

Ҳирот оқ мармар ноёб тошлари Имом Бухорий мажмуасига етказилди



13:30 / 14.05.2025 1356

Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги «Термиз» халқаро савдо маркази эркин савдо зонасида Афғонистон расмийларининг Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуаси қурилиши учун тухфа этаётган Ҳирот оқ мармар тошларини топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Афғонистон делегацияси мамлакатимизда буюк аجدодларимизнинг ҳоки мангу қўним топган муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш чоғида Имом Бухорий мажмуаси қурилиши билан танишиб, бу ердаги қурилишга ўз ҳиссасини қўшиш учун Ҳирот оқ мармари билан таъминлашини таклиф этган эди. Шунга мувофиқ бугун Афғонистондан Ўзбекистонга 18 та юк машинасида узунлиги турли ўлчамдаги қалинлиги 3,5-4 сантиметрли ноёб оқ мармар тошнинг дастлабки 324 қутиси етказилди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари ғояси билан барпо этилган «Термиз» халқаро савдо маркази эркин савдо зонаси муҳим ўрин тутаётгани, замонавий савдо марказида ўзбек-афғон расмийлари учрашувларида янги ғоя ва таклифлар илгари сурилаётгани қайд этилди.

Тантанали маросимда Афғонистон Вазирлар Маҳкамаси котибияти бошлиғи Мулло Абдулвосе Ходим, Балх вилояти губернатори Ҳожи Муҳаммад Юсуф Вафо, Балх университети ректори Шайх ул-Ҳадис Муҳаммад Сайид Ҳошимий айни пайтда Ўзбекистон — Афғонистон

Ўртасидаги яқин қўшничилик ришталари, ҳамкорлик алоқалари, Афғонистон таълим марказининг ёшларга касб ўргатишдаги аҳамияти тўғрисида сўз юритди. Оғир кунларда Ўзбекистон кўрсатган беғараз ёрдам учун ташаккур билдирилди. Ҳозир Ҳирот оқ мармар тошидан Арабистон, Россия, Эрон каби давлатларда кенг фойдаланилаётганини маълум қилиб, унинг ноёб хусусиятлари ҳақида фикр алмашди.

«Бу тошларни ислом оламининг улуғ алломаси, Қуръони Каримдан кейинги ўринда турадиган нодир бойлик муаллифи Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳининг янги қурилаётган мажмуаси ва унинг атрофига тўшаш учун олиб келдик», дейди Афғонистон ташқи ишлар вазирлиги Балх вилоятидаги ваколатхонаси раҳбари Мавлавий Аминulloҳ Содиқ. – Кейинги йилларда қадимги борди-келди муносабатларимиз янги босқичда ривожланиб, ўзаро ҳамкорлигимиз мустаҳкамланмоқда. Тижорат, иқтисодий-ижтимоий, маданий-гуманитар соҳаларда алоқаларимиз кенгайиб бораётир. Бу тошга дунёда катта қизиқиш мавжуд. У иссиқда исиб, совуқда совиб кетмайди. Тозаланиши ҳам жуда осон. Ўзига сув юқтирмайди. Бугун тўрт минг квадрат-метр ҳажмда мармар тош олиб келдик. Иккинчи босқичи ҳам тайёр бўлиши билан Ўзбекистонга етказилади.

Тадбир якунида икки давлат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик, жумладан, савдо, транспорт, гуманитар ва маданий алоқаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Холмўмин Маматрайимов, ЎЗА мухбири